

Пайгамбар Мухаммад алайхиссалом ҳеч қандай ҳокимиятга эга бўлмаган ҳолда энг қудратли салтанатлар – Эрон ва Византияни ягона Парвардигор низоми билан яшашга даъват этгандилар.

Роже Городи, Фарангистон Комфиркаси Марказий Кўмитаси аъзоси.

Биз Оврупа миллатлари маданий имконимиз юкори бўлишига карамай, ҳазрати Мухаммад сўнгги поғонасига қадар чиқа олган зинанинг биринчи босқичидамиз, ҳолос. Ҳеч шубҳа йўқки, бу мусобақада бирон кимса у зотдан юкорирокка ўта олмайди.

Волфганг Гёте, машхур олмон шоири.

Ҳазрати Мухаммаднинг инсон боласи бўлганлари бутун одмизодга ифтихордир. Чунки у зот уммий бўлишлари баробарида ўн аср олдин шундай қонун ва асосларни қелтирдиларки, биз – оврупалиқлар икки минг санадан кейин уларнинг қиймати ва ҳақиқатини англаб етсак, энг масъуд, энг саодатли инсонлар бўламиз.

Шебол, Гарб мутафаккири.

Аллоҳ таолонинг бирлиги ва борлигини Мусо алайхиссалом ўз миллатига, Исо алайхиссалом ўз умматига, Мухаммад алайхиссалом эса, бутун инсониятга маълум қилди.

Наполеон Бонапарт, Франция императори.

Мен дунё тарихини ўрганиб бир ҳулосага қелдим: дунё подшоҳлари тўплаган жамики салтанату сарват-бойлиқлар, шохона қасрлару мухташам саройлар Мухаммад алайхиссаломнинг ямок яқтакларига арзимас экан.

Волфганг Гёте, машхур олмон шоири.

Ҳазрати Мухаммад ҳақида гапирганларимиз бир нуқта устида тўпланади. У ҳам бўлса, у зот ҳулк-атворининг юқсақлиги, ахлоқининг покизалигидир. Булар шундай улуг фазилатларки, у замондаги маккаликлар орасида жуда нодир эди.

Вилям Муир, инглиз шарқшуноси.

Файласуф, нотик, пайгамбар, факих, саркарда, қалблар химоячиси, гоёлар қошифи, имом, давлат арбоби, Ер қуррасининг йигирма жойида диний салтанат ташкил этган зот. Мухаммад (алайхиссалом) ана шундай киши эди. У кишини дунёдаги қайси буюқ шахс билан тенглаштириш мумкин? Нахотки у зотнинг қиёслари бўлса?

Луис де Ламартин, фаранг мутафаккири.

Машхур пайгамбарлар ва фотиҳлар ичида тарихий ҳаёти ҳазрати Мухаммад тарихидек энг қўп ва ҳамма нуқталарига батафсил ўрганилган тарихий шахс йўқдир.

Жон Давенпорт, инглиз олими.

У бир вақтнинг ўзида ҳам Цезар, ҳам Папа эди. Аммо Папа бўлиб, унда Папанинг иддаолари йўқ эди, Цезар бўлиб, унда Цезар легионлари йўқ эди. Мунтазам қўшинсиз, тансоқчиларсиз, саройсиз, давлат даромадисиз (солиқларсиз) агар бирор шахс мен

Аллохнинг изну ихтиёри билан бошкардим, дея олса, унда у Мухаммаддир (соллаллоху алайхи ва саллам). Чунки унинг кўлида ҳеч қандай ҳокимият воситаларисиз ва асосларисиз ҳокимият бор эди.

Босворт Смит, англиялик мутафаккир.

Ўз эътиқоди йўлида Мухаммад (алайхиссалом) ҳар қандай машаққат ва қийноқларга тайёр эди. У уммат етакчиси бўлишига қарамай, қамтар ва одамийлигича қолди. У одамларни қаттиқ ҳурмат қилар, шарафини жойига қўяр эди. Унинг буюқлигига унинг зафар ва ютуқлари далилдир. Унинг шахси улуглиги гоёсини тарқатишда муваффақият келтирди.

Вилям Монтгомери Уотт, инглиз шарқшуноси, “Мухаммад Маккада”, “Мухаммад Мадинада” китоблари муаллифи.

Мухаммад (алайхиссалом) тарғиб қилган таълимотлар туфайли унинг издошларини Пайгамбар шахсияти ўзига қаттиқ жалб қилади. Зеро, у одамларни ақл ва дин воситасида бошқарар эди.

Эдвард Гиббон, инглиз олими.

Агар ҳозиргача бирор кишига диний ғарбат таълимотлар воситасида кишилар оммасини эргаштириш насиб этган бўлса, у Мухаммаднинг (алайхиссалом) ўзидир. У ҳеч қачон қимларнидир ёрдамига ёки махсус қийимларга муҳтож бўлмаган. У ҳеч қачон ўзига юқорибаҳо бермаган. Пайгамбар бўлиш ҳуқуқи ҳеч шубҳасиз ғарбат унга тегишлидир. Ҳозир араб пайгамбарнинг ҳаёти ва қарашларини тадқиқ этаётган ҳар бир киши унинг буюқлиги қаршисида чуқур таъзим қилади.

Анна Безант, ҳиндистонлик олима.

Ҳар қандай диннинг тарафдорлари ўз динига қаттиқ эътиқод қилади, бунини ўзгартириш жуда қийин иш. Имон ғарбат Аллох берадиган нарса, ҳеч бир одам бошқа диндаги кишини жазолашга ҳақли эмас. Бундай ҳуқуққа ғарбат Қиёмат кунининг эғаси Аллох ҳақлидир. Ҳар бир самовий дин тарафдорлари ўзга дин муқаддасотларига ҳурмат билан, нафрат ва мутаассибликсиз муносабатда бўлишлари лозим. Исломига, айниқса унинг Пайгамбари Мухаммадга (алайхиссалом) қарши шиддатли ҳужумлар муносабати билан мен, мусулмон биродарлари ичида яшаб турган мисрлик насроний шарқшуносларнинг барча ёлгон даъволари ва айбловларига жавоб қайтаришни ўзимнинг илмий ва миллий бурчим, деб билдим. Бу ёлгонлар Пайгамбар номига отилган заҳарли ханжарлардир. Имонки бориша бу тухматларни аниқлаб-тўлаб, уларга батафсил жавоб қайтардим. Ўзим мусулмон эмас, насроний бўлганимдан қатъи назар, илмий тафаккур билангина қуролланиб, мутаассиблик ва ноҳолис ҳулосаларни рад этдим.

доктор Набил Луко Бобовий, Миср православ насронийлар черкови раҳбарларидан бири, Миср Шўро Қенгаши (парламенти)нинг Ахборот, маданият ва сайёҳлик қўмитаси раиси.